

ПЕДАГОГНИНГ КАСБИЙ-ПЕДАГОГИК ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА МОТИВЛАШТИРИШ ОМИЛИ

Турғунов Миржалол Мирзахамдам ўғли

Фарғона давлат университети мустақил тадқиқотчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7411294>

Аннотация. Ушбу мақолада педагог касбий-педагогик фаолиятини ривожлантиришининг ижтимоий-педагогик зарурияти, педагогнинг касбий- педагогик фаолияти ривожланишига таъсир этувчи объектив ва субъектив омиллар, педагогикада аксиологик ёндашувга доир методологик қарашлар тизими ва педагогик кадриятлар таснифи, педагог касбий-педагогик фаолиятининг аксиологик мезонлари, касбий-педагогик фаолият ривожланишига аксиологик ёндашувни татбиқ этиши зарурати ва истиқболлари тадқиқ қилинган.

Калит сўзлар: педагог, касбий фаолият, педагогик фаолият, аксиология, аксиологик ёндашув, педагогик маҳорат, педагогик кадрият.

МОТИВАЦИОННЫЙ ФАКТОР В РАЗВИТИИ ПРОФЕССИОНАЛЬНО- ПЕДАГОГИЧЕСКОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ПЕДАГОГА

Аннотация. В данной статье рассматривается социально-педагогическая необходимость развития профессионально-педагогической деятельности педагога, объективные и субъективные факторы, влияющие на развитие профессионально-педагогической деятельности педагога, система методологических взглядов на аксиологический подход в педагогике и классификацию педагогических ценностей, аксиологические критерии профессионально-педагогической деятельности педагогического, необходимость и перспективы применения

Ключевые слова: педагог, профессиональная деятельность, педагогическая деятельность, аксиология, аксиологический подход, педагогическое мастерство, педагогическая ценность.

MOTIVATIONAL FACTOR IN THE DEVELOPMENT OF PROFESSIONAL AND PEDAGOGICAL ACTIVITIES OF PEDAGOGUE

Abstract. This article examines the socio-pedagogical necessity of the development of pedagogical professional and pedagogical activity, objective and subjective factors affecting the development of professional and pedagogical activity of the pedagogical, the system of methodological views on the axiological approach in pedagogy and the classification of pedagogical values, axiological criteria for the professional and pedagogical activity of the pedagogical, the need and prospects for applying

Keywords: educator, professional activity, pedagogical activity, Axiology, axiological approach, pedagogical skill, pedagogical value.

Кириш

Ўқитувчиларда касбий-педагогик фаолиятни ривожлантириш жараёнида мотивлаштириш ўқитувчиларни ўз касбий компетентлигини ривожлантиришининг самарали механизмларини яратиш, ўқитувчиларда ўз устида ишлаш, узлуксиз малака ошириш учун қизиқишлар вужудга келтирувчи ижобий мотивларни шакллантиришдан иборат, деб айтиш мумкин.

Ўқитувчиларда касбий маҳоратларни ривожлантириш жараёнларида мотивлар ўзига хос аҳамият касб этади, чунки уларда касбий-педагогик фаолиятнинг ривожланиши таълим-тарбия жараёни ва тарбиявий муносабатлар жараёнларининг самарадорлигига боғлиқ бўлиб, мазкур жараёнларнинг самарадорлиги касбий-педагогик фаолиятни ривожлантириш жараёнлари натижавийлигини ифодалайди. Демак, ўқитувчиларда касбий-педагогик фаолиятни ривожлантиришга таъсир кўрсатувчи мотивларни ўрганиш ўзига хос аҳамиятга эга бўлиб, бундай мотивларни касбий-педагогик фаолиятни ривожлантириш мотивлари, деб айтишимиз мумкин.

Устоз-мураббийларни мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар ва уларнинг натижалари, фан-техника ютуқлари, педагогик жараёнларни ташкил этиш ва бошқаришнинг инновацион технологияларини ўрганишга ундовчи мотивларни аниқлаш ва улардан ўз моҳиятига кўра тўғри фойдаланиш зарур ҳисобланади, чунки касбий-педагогик фаолиятни ривожлантириш мотивларининг ўзига хос хусусиятлари касбий-педагогик фаолиятни ривожлантириш жараёнлари ва тарбиявий муносабатлар жараёнларининг самарадорлигига ўз таъсирини кўрсатади, яъни турли хил мотивлар таълим муассасаларида касбий-педагогик фаолиятни ривожлантиришга йўналтирилган таълимий муҳитнинг ўзгаришига олиб келиши мумкин[1].

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили

Педагогик фаолиятнинг аксиологик асослари ва касбий-педагогик фаолиятга аксиологик ёндашув, аксиологик таълим-тарбия масалаларининг қўйилиши масалалари Н.Шодиев, А.Ч.Чориев, Н.С.Киямов, Х.А.Шайхова, Б.Ғ.Зиёмухаммедов, З.Д.Давронов, Қ.Н.Назаров, М.Тожиев, М.М.Қаҳҳорова, Г.Ҳ.Тиллаева ва Д.Ҳабибуллаева каби олимлар томонидан тадқиқ этилган[2]. Шунингдек, муаммога оид маълумот ва назарияларни машҳур файласуфлар – Аристотель ва Луций Анний Сенекалар аксиологик қарашларни инсон руҳиятининг ахлоқий тақомили деб билиб, қадрият категорияси сифатида талқин этганлар[3].

Марказий Осиё педагогикаси тарихида Кайковус, Абу Наср Форобий, Нажмиддин Кубро, Имом ал-Бухорий ва Алишер Навоийнинг қарашларида билим асосида фаровон турмушга етишиш, эзгулик ҳамда ёвузлик ўртасидаги курашда таълим-тарбиянинг муҳимлиги, баркамол авлод тарбияси учун нафақат оила, шу билан бирга, бутун жамоа аъзолари масъуллиги тўғрисидаги ғоялар илгари сурилган[4]. Шунингдек, Я.А.Коменский, И.Г.Песталоцци ва В. А. Сухомлинский каби машҳур педагогларнинг илмий асарларида таълим-тарбия жараёнига оид аксиологик ёндашувлар ўз аксини топган[5].

Таҳлил ва натижалар

Маълумки, мотивлаштириш кенг маънода инсон ҳаётининг (унинг хулқ-атвори, фаолиятининг) мураккаб, кўп қиррали бошқарувчиси ҳисобланади. Ўқитувчилар фаолияти турли мотивлар ёрдамида бошқарилиши мумкин. Мотивлар ёрдамида иродавий хатти-ҳаракатларни вужудга келтирувчи ва фаолиятни мувофиқлаштирувчи таъсир самарали ҳисобланиб, фаолият натижаларининг самарадорлиги мотивларнинг хусусиятига боғлиқ бўлади, бу ўз навбатида мотивлаштириш жараёнининг самарадорлигини ифодалайди.

Фикримизча, ўқитувчиларда касбий-педагогик фаолиятни ривожлантириш жараёнларида мотивлаштириш ўқитувчиларни умуммиллий қадриятлар, миллий урф-

одатлар, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар ва уларнинг натижалари, фан-техника ютуқларини ўрганишга ундашнинг кўп даражали ва мураккаб тизими бўлиб, эҳтиёжлар, қизиқишлар, интилишлар, воситалар, эътиқод, мақсад, орзу-истак, манфаатлар, талаблар, кадриятлар, урф-одатлар ва бошқалар мазкур тизимнинг компонентлари ҳисобланади.

Ўқув мотивлари ва ўқув самарадорлигининг ўзаро боғлиқлиги ва алоқадорлиги бўйича маълумотлар келтирилганда, шахснинг интеллектуал даражаси ва қобилиятлари ҳақида фикр юритилишини кўришимиз мумкин.

Мотивлаштириш маълум бир эҳтиёжлардан келиб чиқиб, ўқитувчилар фаолиятини психологик таъсир этиш йўллари билан мақсадга мувофиқ йўналтиришдир. Мотивлаштириш жараёнида ўқитувчи эҳтиёжлари ёки ўқитувчиларнинг умумий манфаатларини ифодаловчи эҳтиёжларини инобатга олиш зарур, чунки мотивлаштириш эҳтиёжларнинг қондирилиши асосида амалга оширилади.

Ўқитувчиларда касбий-педагогик фаолиятни ривожлантириш жараёнида мотивлаштириш жуда муҳим аҳамият касб этади, чунки таълим муассасаларида нафақат малака ошириш курсларида таълим олиш, балки мустақил таълим олиш учун ҳам шарт-шароитлар яратилиши зарур бўлиб, бунда ўқитувчиларнинг мустақил таълим олиш жараёнини ҳам назорат қилиш ва мувофиқлаштириш ўзига хос аҳамият касб этади ва унда давлат ва жамият, шахс, фан ва ишлаб чиқариш эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда мотивлаштириш амалга оширилади.

Мотивлаштириш ўқитувчиларнинг ўз касбий компетентлигини ривожлантириш йўналишидаги хатти-ҳаракатларига туртки беради, эришиш зарур бўлган мақсадларни белгилайди. Мотивлаштириш таълим-тарбия жараёни иштирокчиларининг ҳамкорликдаги фаолиятини ривожлантириш ва такомиллаштириш йўналишида ҳаракатга келтирувчи динамик жараён ҳисобланади.

Мотивлаштириш жараёнида ўқитувчилар эҳтиёжлари ёки уларнинг умумий манфаатларини ифодаловчи эҳтиёжларни инобатга олиш зарур, чунки мотивлаштириш эҳтиёжларнинг қондирилиши асосида амалга оширилади. Демак, эҳтиёжлар ўқитувчиларда касбий-педагогик фаолиятни ривожлантиришга хизмат қилувчи фаолиятга, яъни ўқиш, ўрганиш, ўз устида ишлаш ва билим олишга йўналтирувчи мотивлар бўлиб, ўқитувчиларда касбий-педагогик фаолиятни ривожлантиришга хизмат қилиши билан бир қаторда, уларни жисмоний ёки ақлий меҳнат, шунингдек, дам олиш, билим олиш, ҳунар ўрганиш, умуман олганда яшаш учун курашишга чорлайди.

Ўқитувчиларнинг эҳтиёжлари турли хил шаклда бўлиб, уларнинг психологик хусусиятлари, яъни одати, диди ва кайфияти, ёши ва соғлиги, жинси, оилавий аҳволи, меҳнат қилиш ва яшаш шароитлари даражасига ҳам боғлиқ бўлади. Масалан, кўп йиллик тажрибага эга бўлган ўқитувчи билан биринчи йил фаолият кўрсатаётган ўқитувчининг, оила қурган ўқитувчи билан уйланмаган ўқитувчининг эҳтиёжлари бир-биридан кескин фарқ қилади.

Ихтиёрий инсоннинг эҳтиёжлари ўзгарувчан бўлиши каби ўқитувчиларнинг ҳам эҳтиёжлари ўзгарувчан бўлиб, яшаш ва иш шароитлари ўзгариб, ривожланиб борган сари эҳтиёжлар ҳам ортиб боради. Ўқитувчилар ўсиб-улғайиб, ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитлар ривожланиб, тараққий этиб борар экан, барча эҳтиёжлар ҳам уларга узвий боғлиқ ҳолда кўпайиб бораверади.

Педагог-ҳодимлар ҳаётида мавжуд бўлган хилма-хил эҳтиёжларни аниқлаш, уларни таҳлил қилиш ва уларда узлуксиз малака оширишга бўлган эҳтиёжни шакллантириш асосида касбий-педагогик фаолиятни ривожлантириш учун турли тадбирларни ташкил этиш ва мазкур тадбирларда уларнинг иштирокини таъминлаш ҳамда ўқув фаолиятини мувофиқлаштиришда мотивлаштириш муҳимдир.

Мотивлаштириш жараёни мавжуд эҳтиёжларга қониқиш ҳосил қилиш, яъни эҳтиёжларнинг қондирилиши учун қатъий мақсадни белгилаш ва унга эришиш учун ҳаракат қилишдан бошланади. Мазкур жараёнда эҳтиёжнинг қондирилиш даражаси ўқитувчиларнинг муайян фаолиятининг ҳолатини белгилайди.

Демак, таълим муассасаларида ўқитувчилар учун касбий-педагогик фаолиятни ривожлантириш жараёнларини ташкил этиш ва тарбиявий муносабатлар жараёнини мувофиқлаштириш асосида уларда касбий-педагогик фаолиятни ривожлантириш жараёнларининг самарадорлигини таъминлаш ўқитувчиларда ўқув мотивларини шакллантириш, яъни мотивлаштиришга боғлиқ бўлиб, мотивлаштиришнинг самарадорлиги ўқитувчиларда касбий-педагогик фаолиятни ривожлантириш жараёнларининг натижавийлигини ифодалайди.

Фикримизча, ўқитувчиларда касбий-педагогик фаолиятни ривожлантириш йўналишидаги педагогик жараёнларда мотивлаштиришнинг самарадорлиги эришиш мумкин бўлган натижалар билан эришилган натижа ўртасидаги муносабатларни ифодаловчи хусусиятларни белгилайди.

Шунингдек, ўқитувчиларда касбий-педагогик фаолиятни ривожлантириш йўналишидаги педагогик жараёнларда мотивлаштиришнинг самарадорлиги белгиланган мақсадга эришиш йўналишида ўқитувчилар фаолиятининг натижала рини ифодалаб, барча ўқитувчиларда касбий-педагогик фаолиятни ривожлантириш учун етарли даражада шарт-шароитлар яратиш ҳамда ўқитувчилар учун зарурий ва қулай шарт-шароитлар яратувчи ижодий муҳитни вужудга келтириш заруриятини белгилайди.

Демак, таълим муассасаларида ўқитувчилар учун касбий-педагогик фаолиятни ривожлантириш жараёнларини ташкил этиш ва тарбиявий муносабатлар жараёнини мувофиқлаштириш асосида уларда касбий-педагогик фаолиятни ривожлантириш жараёнларининг самарадорлигини таъминлаш ўқитувчиларда ўқув мотивларини шакллантириш, яъни уларнинг манфаатдорлигига боғлиқ бўлиб, мотивлаштиришнинг самарадорлиги ўқитувчиларда касбий-педагогик фаолиятни ривожлантириш жараёнларининг натижавийлигини ифодалайди.

Ўқитувчи биринчи навбатда ўзаро ҳамкорлик учун зарур бўлган ташқи ҳамда ички шарт-шароитларни таъминлай олиши керак. Биргаликда фаолият кўрсатиш, яъни ҳамкорлик аниқ предмет доирасида амалга оширилиши зарур. Бу жараёнда ўқувчиларда янги билимларнинг ҳосил бўлишига ўқитувчининг алоҳида эътибор қаратиши муҳим аҳамиятга эга.

Ўқитувчиларда касбий-педагогик фаолиятни ривожлантириш йўналишидаги педагогик жараёнларда ўқитувчиларнинг умуммиллий қадриятлар, миллий урф-одатлар ва миллий тарихимизни ўрганиш асосида ўтмишимиз ва келажагимиз ҳақида бой тасаввурга эга бўлиши, интеллектуал қобилиятларининг шаклланиш даражаси, дунёқарашининг кенгайиши, билим, кўникма ва малакалари даражасининг ўсиши, яъни уларда касбий-педагогик фаолиятнинг ривожланишини белгилайди.

Ўқитувчиларнинг касбий компетентлигини ривожлантириш жараёнларида натижавийликни таъминлаш учун қуйидаги шартларнинг бажарилиш заруриятини белгилайди:

– ўқитувчиларнинг билими, кўникма ва малакаси, тажрибаси ҳамда ўз фаолияти самарадорлиги ҳақидаги фикрларига илмий ёндашиш;

– касбий-педагогик фаолиятни ривожлантириш жараёнлари ҳамда тарбиявий муносабатлар жараёнларида мотивларнинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олиш;

– ўқитувчиларда узлуксиз малака оширишга бўлган ижобий мотивларни шакллантириш;

– ўқитувчиларда касбий-педагогик фаолиятни ривожлантириш учун зарурий ва қулай шарт-шароитлар яратувчи ижодий муҳитни вужудга келтириш;

– касбий-педагогик фаолиятни ривожлантириш жараёнларининг ўзаро боғлиқлиги ва алоқадорлигини инобатга олиш;

– ўқитувчиларда касбий-педагогик фаолиятни ривожлантириш жараёнларига мураккаб инновацион педагогик тизим сифатида ёндашиш;

– касбий-педагогик фаолиятни ривожлантириш жараёнларида ўқитувчиларда ўз фаолияти самарадорлигини ўрганиш, таҳлил қилиш ва объектив баҳолаш кўникмаларини шакллантирувчи рефлексив ёндашувни жорий этиш;

– касбий-педагогик фаолиятни ривожлантириш жараёнларида шахсга йўналтирилган таъсирнинг аҳамияти ва ўзига хос хусусиятларини инобатга олиш[6].

Мазкур белгиланган шартлар ва юқорида келтирилган маълумотларга асосланиб айтишимиз мумкинки, ўқитувчиларда касбий-педагогик фаолиятни ривожлантиришда мотивлаштиришнинг самарадорлигини касбий-педагогик фаолиятни ривожлантириш жараёнларида ўқитувчиларда касбий-педагогик фаолиятнинг ривожланиш динамикаси ёки уларда ижобий мотив ҳисобланган муваффақиятга интилиш мотивларининг шаклланганлик даражаси кўрсаткичлари бўйича баҳолаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Ўқитувчиларда касбий-педагогик фаолиятни ривожлантириш йўналишидаги педагогик жараёнларни ташкил этишда алоҳида эътибор қаратилиши зарур бўлган омиллардан бири педагогик жараёнлар самарадорлигининг мотивлаштиришга боғлиқлигидир.

Мотивлаштириш ўқитувчиларда етарли даражада фаолликни таъминлаш учун зарур. Бунда мотивларнинг хусусиятларини ҳисобга олиш, қандай мотивлар ўқитувчиларни узлуксиз малака оширишга йўналтириши ва қайсилари уларнинг фаоллигини таъминлаш, мустақил ўрганиш, мустақил маълумот олиш ва ўзини-ўзи тарбиялашга имконият яратишини билиш, ўқитувчи ларнинг билим, кўникма ва малакаси ҳамда тажрибаси даражасини олдиндан аниқлаш ўзига хос аҳамият касб этади.

Демак, ўқитувчиларда касбий-педагогик фаолиятни ривожлантириш жараёнларида самарадорликка эришиш учун мотивларнинг турлари ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари, ўқитувчиларда мавжуд бўлган эҳтиёжлар, уларнинг билими, кўникма ва малакаси ҳамда тажрибаси даражаси, дунёқараши ва кизиқишлари, ўқитувчилар яшаётган ва ишлаётган муҳитнинг ҳолати, тарбиявий муносабатлар, шахсга йўналтирилган таъсирнинг ўзига хос хусусиятлари, рефлексив ва тизимли ёндашувларнинг ҳамда инновацион фаолиятнинг заруриятини мотивлаштириш жараёни самарадорлигига таъсир этувчи омиллар сифатида инобатга олиниши зарур.

Хулоса ва таклифлар

Ўқитувчиларда касбий-педагогик фаолиятни ривожлантиришда мотивлаштириш жараёни самарадорлигига таъсир этувчи омилларни инобатга олган ҳолда, самарадорликнинг ўзаро боғлиқ бўлган қуйидаги кўрсаткичларини ажратиш кўрсатиш мумкин:

- ўқитувчиларнинг билими, кўникма ва малакаси ҳамда тажрибаси даражаси, дунёқараши, тасаввури, қизиқиши ва имкониятларининг белгиланган мақсадларга мос келишини ифодаловчи хусусиятлар;
- белгиланган мақсадларга муваффақиятли эришиш натижаларига мос келувчи мотивлар, омиллар ва воситаларнинг ўзига хос хусусиятлари;
- ўқитувчилар учун зарурий ва қулай шарт-шароитлар яратувчи ижодий муҳитнинг ўзига хос хусусиятлари;
- давлат, жамият ва шахс эҳтиёжларининг ривожланиши, касбий-педагогик фаолиятни ривожлантириш жараёнлари иштирокчиларининг эҳтиёжлари ва қониқиш ҳосил қилиш даражаси;
- касбий-педагогик фаолиятни ривожлантириш жараёнлари иштирокчиларининг илмий-методик таъминоти даражаси;
- касбий-педагогик фаолиятни ривожлантириш жараёнларини ташкил этишда рефлексив ёндашув, тизимли ёндашув, инновацион ёндашув, шахсга йўналтирилган таъсир ва бошқа ёндашувларнинг ўзига хос хусусиятлари;
- ахборотларнинг ишончлилиги ва янгилиги;
- ўқитувчиларнинг мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар ва уларнинг натижалари, фан-техника ютуқлари бўйича тушунчаларини аниқлаш;
- тасаввури ва дунёқараши, қизиқиши ва имкониятларини ўрганиш;
- белгиланган мақсадларга муваффақиятли эришиш натижаларига мос келувчи мотивлар, омиллар ва воситаларнинг турлари ва уларнинг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш ва таҳлил қилиш;
- ўқитувчиларнинг эҳтиёжлари ва қониқиш ҳосил қилиш даражасини аниқлаш;
- ўқитувчиларга қўйилаётган замонавий талаблар бўйича зарурий маълумотларни тўплаш, қайта ишлаш ва узатишдан иборат бўлиб, ўқитувчиларда узлуксиз малака оширишга бўлган ижодий мотивларни шакллантириш ва уларнинг ўқув фаолиятини мувофиқлаштириш жараёнида қўлланилиши[7].

Ўқитувчиларда касбий-педагогик фаолиятни ривожлантириш жараёнларининг самарадорлигини таъминлашда ўқитувчиларнинг фаолияти, таълим-тарбия жараёнининг ҳолати, ўқитувчиларнинг таълим-тарбия жараёнига бўлган муносабати, уларнинг ўзаро муносабатлари, шунингдек, таълим-тарбия жараёнининг самарадорлигига таъсир кўрсатаётган бошқа омиллар, ўқитувчиларнинг тасаввури, тушунчаларининг ривожланиши, дунёқарашининг ўзгариши тўғрисида етарли ахборотлар тўплаш зарур.

Ўқитувчиларда касбий-педагогик фаолиятни ривожлантиришда педагогик жараёнлар тўғрисида ҳамда ўқитувчиларнинг тасаввури, тушунчаларининг ривожланиши, дунёқарашининг ўзгариши бўйича узлуксиз равишда ахборотлар тўплаш ва уларни чуқур ўрганиш, таҳлил қилиш ҳамда объектив баҳолаш энг асосий вазифалардан бири ҳисобланади. Мазкур вазифаларни амалга ошириш асосида касбий-педагогик фаолиятни ривожлантириш жараёнларини такомиллаштириш ва ривожлантириш йўллари,

ўқитувчиларда ижобий мотивларни шакллантириш ва ривожлантириш омиллари ва воситалари аниқланади ҳамда самарадорлик таъминланади.

REFERENCES

1. Турғунов С.Т., Данияров Б.Х., Умаралиева М.А., Шодмонова Ш.С. Ўқитувчиларнинг касбий маҳорат ва компетентлигини ривожлантириш. – Т.: «Сано-стандарт», 2012. - 71-б.
2. Шодиев Н., Чориев А., Киямов Н., Шайхова Х. Инсон ва унинг маънавий дунёси. –Тошкент, 1993.– Б. 9.
3. Аристотель. Сочинения: В 4-х т. Т.4. –М.: Мысль, 1983; Сенека Луций Анний. Нравственные письма кЛуцилию. –М.: Наука, 1977.
4. Кайковус. Қобуснома; Шайх Нажмиддин Кубро. Кўнглим кўзи билан кўрганларим / Бу ҳақда батафсилроққаранг: Жужжоний А. Ш. Тасаввуф ва инсон. – Тошкент: Адолат, 2001. – 89 б.
5. Омельченко Е.А. Педагогика семейного воспитания. – Новосибирск, 2012.
6. Турғунов С.Т., Данияров Б.Х., Умаралиева М.А., Шодмонова Ш.С. Ўқитувчиларнинг касбий маҳорат ва компетентлигини ривожлантириш. – Т.: «Сано-стандарт», 2012. - 73-б.
7. Т.Н.Қори Ниёзий номидаги Ўзбекистон педагогика фанлари илмий тадқиқот институти. Ўқувчиларда ўзаро дўстона муносабатларга асосланиб ҳамкорликда фаолият кўрсатиш кўникмаларини шакллантириш стратегияси. – Т.: «Фан ва технология», 2016, -41-б.
8. Siddikov, I. B. (2019). Философско-Педагогические Аспекты Развития Интеллектуальной Культуры Студентов. Вестник Ошского Государственного Университета, (3), 38-42.
9. Bakhromovich Si. The Impact Of Managerial Professional Development On The Effectiveness Of Higher Education Institution Management. *Academicia: An International Multidisciplinary Research Journal*. 2020;10(12):1014-20.
10. Bakhromovich, S. I., &Lutfillo, M. (2021). Development Of Ecological Culture In Students In The Process Of Education Of History Of Uzbekistan.
11. Siddikov, I. (2021). Education-The Principal Value Of Medieval Muslim Civilization. *Interconf*.
12. Siddikov, I. (2021). Gender Management Issues In Modern Pedagogy In Educational Institutions.
13. Bakhromovich, S. I. The Phenomenon Of Management And Leadership Personality In The Views Of Oriental Scholars. Chief Editor.
14. Siddikov, I. B. (2021). Modern Models Of Providing Autonomy Of Higher Educational Institutions (Analysis Of Foreign Countries Experience). *Current Research Journal Of Pedagogics* (2767-3278), 2(05), 25-31.
15. Bakhromovich, S. I. (2021). Development Trends And Transformation Processes In Academic Mobility In Higher Education In Uzbekistan And The World.

16. 15.Bakhromovich, Siddikov Ilyosjon, And Maxamadaliyev Lutfillo. "Development Of Ecological Culture In Students In The Process Of Education Of History Of Uzbekistan. European Journal of Humanities and Educational Advancements 2 (5), 103-107
17. Siddikov, I. (2021). Traditions Of Philosophy, Fiqh And Philosophy In The Theological Views Of The Middle East. Interconf.
18. Bakhromovich, S. I. (2021). Factors Of Introduction Of Principles Of Institutional Autonomy To The Management Process Of Higher Educational Institutions. Berlin Studies Transnational Journal Of Science And Humanities, 1(1.5 Pedagogical Sciences).
19. Siddikov, I. (2021). Epistemological Significance Of Medieval Culture Of Islamic Intellectual Activity. Interconf.
20. Bakhromovich, S. I. (2021). Views On The Role Of Science In Human And Society Life In Islamic Teaching. International Journal Of Philosophical Studies And Social Sciences, 1(3), 79-86.
21. Bakhromovich, S. I. (2018). Social AndPhilisophical Performance Of Making Youth's Intellectual Culture. European Science Review, (7-8).
22. Siddikov, I. (2021). Epistemological Significance Of Medieval Culture Of Islamic Intellectual Activity. Interconf.
23. Siddiqov, I. (2022). Dialectical And Synergetic Features Of The Development Of Theological And Epistemological Views In Medieval Eastern Islam.
24. Siddiqov, I. B. (2022). Mutual Synthesis Of Medieval Islam Gnoseology And Theology.
25. Siddiqov, I. B. (2018). Social And Philisophical Performance Of Making Youth's Intellectual Culture. European Science Review, (7-8), 296-298.
26. Bakhromovich, S. I. Social And Physical Performance Of Making Youth's Intellectual Culture. July–August, 289.